



704**10501** – “БАНК ИШИ  
ВА АУДИТ”

---

МАГИСТРАТУРА ДАСТУРИ  
КАТАЛОГИ



- + 998 71 237-50-11
- [office@bfa.uz](mailto:office@bfa.uz)
- [www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)

# МУНДАРИЖА

---

- Ректори мурожаати
- Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳақида
- Кредит-модуль тизими
- Ўқув жараёни жадвали
- Компетенция ва малакалар. Касбий фаолият ва қобилиятлар
- Банк-молия академиясининг электрон таълим тизими - ўқув платформаси
- Тингловчилар билимини баҳолаш мезони
- Академик қоидабузарликлар
- Ўқишдан четлаштириш тартиби
- Магистрлик диссертацияси
- 70410501- “Банк ҳисоби ва аудити” дастури



# БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

## РЕКТОРИ МУРОЖААТИ

---



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли институционал ўзгаришлар илғор халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий усуллари жорий этишни тақозо этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда Академия томонидан молиявий менежмент, аудит, корпоратив бошқарув, молиявий хатарларни бошқариш, ахборот-коммуникация технологиялари, қимматли қоғозлар бозори соҳаларида банк секторининг юқори малакали кадрларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, банк ходимларини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг илғор халқаро тажрибасини ўқиш жараёнида қўллашга катта эътибор қаратилаяпти.

Хорижий ҳамкорлар билан олиб борилган кенг масшабли мулоқотлар самараси натижасида жорий йилда 100 нафардан ортиқ тингловчиларимиз ва профессор-ўқитувчиларимиз Чехиянинг Европа амалий билимлар ва менежмент институти, Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети, **International Islamic University Malaysia** каби таълим муассасаларида ташкил этилган семинар-тренингларда амалий ва назарий билимларини бойитиб қайтдилар.

Академиянинг ривожланиш стратегиясига асосан 2023 йилда Халқаро **AMBA** аккредитациясини олиш учун босқичма-босқич тайёрланиш режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий-амалий тажрибасини ошириш ҳамда ўқув режасининг мазмуни ва сифатини халқаро даражага кўтариш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириб борилаяпти. Бундан ташқари инвестиция фаолияти, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, ички аудит каби соҳаларда молия ходимларини халқаро сертификатлаш борасида халқаро ҳамкорлар билан амалий жараёнлар бошлаб юборилди.

Ҳозирги замонавий чорловларга жавобан трансформация жараёнини шиддат ва қатъият билан амалга ошираётган Академия “Ўрган, ўзгартир, етакчи бўл” шиори остида янги марраларни эгаллайди. Бу жараёнда муносиб иштирок этиш катта шараф бўлиш билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Юксак ишонч билан айта оламизки, Сиз азизлар билан олдимизга қўйилган устувор вазифаларни садоқат билан адо қиламиз.

Элмурод Хошимов

Банк-молия академияси ректори

# БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги 1460-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 180-сонли қарорига асосан ташкил этилган.



Ўзбекистон Республикаси Банклари Ассоциациясининг 1996 йилдаги йиғилишида Банк-молия академиясини ташкил қилиш борасида илк мартаба сўз очилди. Ва шу йилнинг июнь ойдан Академияни ташкил этиш борасида амалий ишлар бошлаб юборилган бўлса, 1996 йилнинг 4 ноябрь санасида Академиянинг очилиш маросими бўлиб ўтди.



# БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси — банк, молия, солиқ тизимлари ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларининг бошқарув кадрлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича, шунингдек кўрсатиб ўтилган соҳаларда илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширувчи давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади.



Бугунги кунда Академия банк-молия соҳасида ўқув, ўқув-услугий, илмий ва ахборот-таҳлил, шунингдек, банк-молия бошқарув ходимлари ва мутахассислари тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини бошқаришда республикамизнинг бош марказидир.

Қисқа давр мобайнида ушбу даргоҳдан вазирлар, ҳокимлар, сенаторлар, шунингдек, кўплаб банк, молия, солиқ тизимлари ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларининг бошқарув кадрлари етишиб чиқди.



# КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ

Банк-молия академиясида 2020 йилдан бошлаб магистратура мутахассисликларида кадрлар тайёрлашда ўқитишнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Таълимнинг кредит-модуль тизими тингловчига йўналтирилган ўқитиш, таълим бериш ва баҳолашнинг ошкоралиги тамойилига асосланган бўлиб, синов бирликларини йиғиш ва кўчириб ўтказишдан иборатдир.

**академик мобиллик** — олий таълим муассасаси талабаларининг муайян вақт мобайнида республика ҳудудидаги ёки чет элдаги бошқа бир олий таълим муассасасига ўқиш мақсадида бориши;

**мобиллик дастури** — икки ёки ундан ортиқ олий таълим муассасаси ўртасида ўзаро таълим тўғрисидаги келишув асосида ташкил этилган академик мобиллик дастури;

**кредит** — таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкларининг ўлчов бирлиги. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун, қаср сонларда ифодаланиши мумкин;

**олий таълим муассасаси** — белгиланган миқдордаги кредитларни тан олишни ҳисобга олган ҳолда таълим ва малака тўғрисидаги ҳужжат берувчи муассаса;

**кредитларни бериш** — малака ёки унинг алоҳида қисмларига қўйилган талабларга мувофиқ эришилган таълим олиш натижаларига кўра талаба ёки бошқа таълим олувчиларга кредитларни расмий тақдим этиш жараёни;

**кредитларни кўчириш** — талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш мақсадида бир олий таълим муассасаси таълим дастури бўйича олинган кредитларни бошқа олий таълим муассасасига кўчириш ва тан олиш;



# КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ

## Баҳолаш, баҳоларни конвертация қилиш

- Фан дастурида (силлабусда) белгиланган баҳолаш тартиби ҳамда ижобий баҳолар доирасида баҳоланган талабаларга кредитлар берилади. Талаба белгиланган таълим олиш натижаларига эриша олмаган тақдирда, кредитлар берилмайди.
- Баҳолаш усуллари фан ёки модуль доирасидаги талабанинг ютуқларини акс эттирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиҳа, портфолио ва назоратлар каби турларни ўз ичига қамраб олади. Баҳолаш мезони таълим олиш натижасига эришилганлигини акс эттириши шарт.

## Талабаларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан курсга ўтказиш механизмлари

- Бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган талаба академик қарздор ҳисобланади.
- Академик қарздор талабалар таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга бўлади.
- Таълим олувчини курсдан курсга ўтказиш унинг GPA қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. ОТМ талабаларни курсдан курсга ўтказишда GPA кўрсаткичини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга. Бунда GPA кўрсаткичи **2,4 — 3,0** оралиғида бўлиши талаб этилади. GPA ўтиш баллини тўплай олмаган талаба қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирилади. Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар ўқишдан четлаштирилмайди. Курсдан курсга қолган талабалар фақат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди. Жами таълим олиш муддати бакалавриат учун 1 курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг **8 йилгача**, магистратура учун 1 курсга ўқишга қабул қилинганидан сўнг **4 йилгача** деб белгиланади.



# ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

70410501 – “Банк иши ва аудит”	Кредит таълим тизимига кириш		Назарий таълим ва илмий фаолият	
	Бошланиши	Тугаши	Бошланиши	Тугаши
	06.10.2023	13.10.2023	16.10.2023	07.06.2024

Аттестация		Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертацияси тайёрлаш	
Бошланиши	Тугаши	Бошланиши	Тугаши
16.02.2024	21.06.2024	16.10.2024	27.10.2024

Илмий амалиёт (стажировка)		Давлат аттестацияси	
Бошланиши	Тугаши	Бошланиши	Тугаши
26. 06.2024	14.07.2024	03. 11.2024	17.11.2024

Таътилар	
Бошланиши	Тугаши
25.12.2023, 17.07.2024, 18.11.2024	10.01.2024, 01,09.2024. 24.11.2024





# БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИНИНГ ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ — ЎҚУВ ПЛАТФОРМАСИ

---

- Банк-молия академиясининг электрон таълим тизимга кириш Академиянинг расмий веб-сайти — [www.bfa.uz](http://www.bfa.uz) ёки бевосита <https://lms.bfa.uz/> орқали амалга оширилади.
- Кириш саҳифасида шахсий логин ва пароль киритилиши лозим.
- Шахсий кабинетда жорий семестрда ўқитиладиган барча фанлар келтирилади.
- Фан саҳифасига кирилганда, фанга оид ўқув-методологик маълумотлар, шу жумладан, мавзу бўйича тестлар ва топшириқлар келтирилади.
- Барча тест ва топшириқлар учун топширилиш муддати белгиланади ва электрон таълим тизимида кўрсатилади.
- Жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш жараёнлари ва тингловчиларни баҳолаш натижалари электрон таълим тизимида акс эттириб борилади.

<https://lms.bfa.uz/> бепул электрон таълим тизимидир.  
Бу очик веб-дастур бўлиб, платформа ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ҳамкорлик қилиш учун виртуал макон – муҳит яратади.



# ТИНГЛОВЧИЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

**Жорий назорат (ЖН)** — тингловчининг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникмалари даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули.

**Оралиқ назорат (ОН)** — семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан сўнг тингловчининг назарий билим ва амалий кўникмалари даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули.

**Яқуний назорат (ЯН)** — семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни тингловчилар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули.

Фан бўйича тингловчиларнинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи **100 баллик** тизимда баҳоланади. Шундан, **ЖН - 30, ОН - 30, ЯН - 40 балл** қилиб тақсимланади.

№	Жавоб бериши лозим бўлган кўникмалар	Ўзлаштириш кўрсаткичи (балларда)			
		86-100	71-85	60-70	0-59
1.	хулоса ва қарор қабул қила олиш	◆			
2.	ижодий ва таҳлилий фикрлай олиш	◆			
3.	мустақил мушоҳада юрита олиш	◆	◆		
4.	олган билимларини амалда қўллай олиш	◆	◆		
5.	моҳиятини тушуниш	◆	◆	◆	
6.	билиш, айтиб бериш	◆	◆	◆	
7.	тасаввурга эга бўлиш	◆	◆	◆	
8.	аниқ тасаввурга эга бўлмаслик				◆
9.	билмаслик				◆

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий балнинг **60 фоизи** саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган тингловчи яқуний назоратга киритилмайди.

Тингловчининг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

Тингловчининг семестрда **ЖН** ва **ОН** турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг **60 фоизидан** кам бўлса ёки семестр давомида жорий, оралиқ ва яқуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндисига **60 балдан** кам бўлса, у **академик қарздор** деб ҳисобланади.

Тингловчи назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида Ўқув-услубий бўлим бошлиғига ариза билан мурожаат этиши мумкин.



# АКАДЕМИК ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР

Тингловчиларнинг Банк-молия академияси академик қридаларига риоя қилмаслиги **интизомий жазоларга** олиб келиши мумкин, шу жумладан,

- фанни топширмаслик;
- дастурда таълим олиш тўхталиши ёки тўлиқ четлаштириш;
- ҳисобланган баллар бекор қилиниши ва бошқалар.

**Академик қридабузарликлар** имтиҳон вақтида ёки ундан таш қарида адолатсиз хатти-ҳаракатлар билан тавсифланиши мумкин ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бошқа тингловчилар билан имтиҳон вақтида мулоқот қилиш;
- имтиҳон вақтида қўчириш;
- ваколатли кузатувчи ёки ходимлар аъзоси бўлмаган бошқа шахс билан имтиҳон вақтида мулоқот қилиш;
- имтиҳон учун расман рухсат берилмаган ҳар қандай форматдаги материаллар ёки қурилмаларга имтиҳон вақтида эгаллик қилиш ёки улардан фойдаланиш;
- имтиҳон вақтида ёки ундан сўнг имтиҳон билан боғлиқ материалларга рухсатсиз кириш;
- ҳар қандай бошқа шахс томонидан тингловчининг ўрнига ишни бажариш;
- ҳар қандай коррупция ҳолатлари;
- маълумотларни сохталаштириш;
- плагиат ва бошқалар.

**Плагиат бу** — бошқа манбадан ёки бошқа ишлардан, шу жумладан, нашр этилган ёки нашр қилинмаган, босма, электрон, онлайн, аудио, видео ва ҳақ қабил ҳар қандай форматдаги материаллар/манбалардан тингловчининг ишида иқтибос қўрсатмай фойдаланиш.

**Плагиат мисоллари:**

- иқтибоссиз фойдаланиш ҳолда бошқа иш/манбадаги парчалар;
- манбага мурожаат қилмасдан бошқа иш/манбадан материалларни умумлаштириш;
- муаллифни қўрсатмасдан бошқа иш/манбадан фикрни ишлатиш;
- ўз ишини қайта топшириш (расмий қайта имтиҳон/қайта топшириш ҳолатларидан ташқари) ва бошқалар.



# ЎҚИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Банк-молия академияси тингловчилари қўйидаги ҳолларда тингловчилар сафидан четлаштирилиши мумкин:

- ўз хоҳишига биноан;
- саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- академик ўзлаштира олмаган (қарздорлиги) учун;
- ўқув интизомини ва ички тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузган (Академия мактаб шаънига доғ тушурувчи ҳаракатларни содир этган, Академия ички тартиб-қоидалари, меъёрий-ҳужжатлари, профессор-ўқитувчилар ва ходимларга нисбатан беписанд муомалада бўлган) учун;
- бир семестр давомида узрли сабабларсиз жами 74 соатдан ортиқ дарс қолдирган сабабли;
- ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган сабабли;
- тингловчига суд қарори бўйича ўқишни давом эттириши тақиқланганда ёки суд томонидан озодликдан маҳрум этилган муносабати билан.

“

Тингловчилар ўқишдан четлаштирилаётганда уларни ўқишга юборган ташкилотга бу ҳақда хабарнома (хат) юборилади. Академия тингловчилари сафидан четлаштирилганда, тингловчига шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдга тикиб қўйилади.



# МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Магистр академик даражаси олиш учун тақдим этилган диссертация:

- Тингловчи ўтказган тадқиқотлар ва у яратган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб илмий ёки амалий муаммо ҳал қилинган бўлишлиги;
- Тегишли фан соҳасининг истиқболли йўналишини ривожлантиришда маълум бир ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлган янги назарий қоидалар мажмуи ишлаб чиқилиши;
- Жорий этилиши фан ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳани, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишга ҳисса қўшадиган лойиҳаларнинг илмий асосланган ечимлари ўз ифодасини топган юқори малакавий илмий асар бўлиши керак.

“ Диссертациянинг матни 65-70 саҳифадан ошмаслиги керак (титул varaғи, мундарижа, шартли белгилар, бирликлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар кўрсатилган ҳажмга кирмайди).

Диссертация қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

- Диссертациянинг титул varaғи;
- Аннотацияси 2 тилда (ўқитиш тили ва инглиз тилида);
- Мундарижа;
- Келтирилган жадваллар рўйхати
- Келтирилган расмлар рўйхати
- Келтирилган қисқартмалар
- I БОБ (Кириш);
- II БОБ (Адабиётлар шарҳи);
- III БОБ (Методология);
- IV БОБ (Таҳлил ва натижалар);
- V БОБ (Хулоса);
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- Иловалар (агар мавжуд бўлса).



# 70410501 – “БАНК ИШИ ВА АУДИТ” ДАСТУРИ

Дастур номи: ўзбек тилида	Банк ҳисоби ва аудити		
Дастур номи: рус тилида	Банковский учет и аудит		
Дастур номи: инглиз тилида	Bank accounting and audit		
Дастур коди	70410501		
Малака (даража)	Магистр		
Жами кредитлар сони	60 кредит (ECTS)		
Таълим шакллари ва муддати	1. Кундузги (14 ой давомида) 2. Сиртқи (18 ой давомида)		
Таълим олиш тиллари	- ўзбек тили - рус тили		
Дастурдаги фанлар	Асосий фанлар		
	Коди	Номи	Кредит
	BA101	1. Бизнес инглиз тили	2
	BA102	2. Илмий тадқиқот методологияси	2
	BA103	3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари	4
	BA104	4. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот	4
	BA105	5. Банкларда ички ва ташқи аудит	4
	BA106	6. Банкларда молиявий ҳисобот таҳлили	4
	BA107	7. Замонавий банк иши	4
	*Танлов фанлари		
	BAO110	Замонавий банк назорати	2
	BAO111	Ислом молияси	2
	BAO112	Стратегик бошқарув ҳисоби	2
	BAO113	Аудитнинг халқаро стандартлари	2
Илмий фаолият	Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш		16
	Илмий-амалий иш		8
	Илмий амалиёт (стажировка)		6
	ЖАМИ		60





# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI



- Ўзбекистон, 100000, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16
- + 998 71 237-53-56
- + 998 71 237-53-16
- + 998 71 237-50-11
- [office@bfa.uz](mailto:office@bfa.uz)

